



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 13-avgust, shanba,
93 (23.660)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Кечира
билиш
ҳимматнинг
энг яхши
намунаси



1913-yil aprel oyidan chiqqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!



“Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони топширилди

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган тантанали тадбирда турли миллат ва элатга мансуб фидойи ҳаётларимиз, миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларига “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони топширилди.



Тадбирда Республика Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раисининг маслаҳатчиси Ф.Шукуров, вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Қодиров юксак мукофотга сазовор бўлганларни самимий табриқлаб, юртимиз аҳолисининг миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида қонуний манфаатлари таъминланаётганлиги, миллатлараро дўстлик ва ўзаро бағрикенгликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтти.

рўхлантди, – деди “Полонез” поляк маданият маркази раиси ўринбосари Наталья Татаренко. – Сабоби, миллати, элатидан қатъи назар, ҳар бир инсон борки, ўзини ягона оилада, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликда яшаб, Ўзбекистонни ўз Ватани, деб ҳисоблайди. Шулар қаторида поляклар ҳам юртимиз ривожига дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда. Самарқанд шаҳридаги “Дўстлик уйи”да жойлашган марказимизда ўз кадрият ва аъёнларимизни тарғиб этиш, байрамларимизни нишонлаш учун барча шароит яратилганлигидан мамнунмиз.

– Бу мукофот мени

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ етмишинчи сессиясини чақиритиш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақиритишнинг сессияси **2022 йил 19 август кuni соат 9:00 да** чақиритилсин.
2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-43-сонли қарорининг ижроси юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари А.Шукуровнинг ҳисоботи;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 апрелдаги “2022-2026 йилларда Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 222-сонли қарори ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг

ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Х.Очиловнинг ҳисоботи;

- Ургут туманида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ижроси тўғрисида Ургут тумани ҳокими ва сектор раҳбарларининг ҳисоботи;
- вилоят адлия бошқармаси бошлиғи С.Нуриевнинг вилоятда 2022 йил 1 ярим йиллигида норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати юзасидан ҳамда жойларда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг аҳоли тўғрисидаги ахбороти;
- вилоят чорвачиликни ривожлантириш ва ветеринария бошқармаси бошлиғи А.Нуруллаевнинг вилоятда чорвачилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи;
- вилоятдаги ички хўжалик йўллари реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини янада жонлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида;
- вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида.

Вилоят ҳокими **Э.ТУРДИМОВ**

2022 йил 12 август

Мустақилликнинг 31 йиллигига бағишлаб “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!” шiori асосида “Ишбилармон аёл-2022” ҳудудий кўрик-танлови бўлиб ўтди.

О‘зLiDeP вилоят кенгаши томонидан ўтказилган танловнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар бугун вилоятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорликка йўналтириш борасида қилинаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

– Бугун вилоятда 22 мингдан ортиқ киши тадбиркорлик билан шуғулланаётган бўлса, уларнинг 3 мингдан ортигини хотин-қизлар ташкил қилади, – дейди О‘зLiDeP вилоят кенгаши бўлими бошлиғи Мархабо Чулиева. – 2016 йилдан бошлаб ўтказилиб келинаётган мазкур танлов доирасида ташкил этилган тадбирларда иштирок этган хотин-қизлар сони жами 5486 нафардан ошди.

“Ишбилармон аёл” кўрик-танлови доирасида шаҳар, туман босқичлари ташкил этилиб, танловда фаол иштирок этган 1022 нафар тадбиркор, фермер, хунарманд, ишлаб чиқариш соҳаси вакилларидан иборат хотин-қизлардан 16 нафари танловнинг ушбу ҳал қилувчи босқичига йўналди.

Танлов домида иштирокчиларнинг

ЙИЛНИНГ ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРИ АНИҚЛАНДИ



ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини хотин-қизларга етказиш, уларни тадбиркорликка йўналтириш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини кўпайтириш, тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг

ечимига қаратилган амалий таклиф ҳамда тавсиялари ўрганилди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўринга Самарқанд туманидаги зардўзлик йўналишида миллий кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Зулхумор” хусусий

корхонаси раҳбари Зулхумор Зоҳидова, 2-ўринга жомбойлик “Шербоев Муродулло” чорвачилик фермер хўжалиғи раиси Гулчехра Шербоева, 3-ўринга тойлоқлик “Фарход монтаж сервис” корхонаси раҳбари Сабина Ҳақимова муносиб кўрилди.

ОТА-ОНАНГА РАҲМАТ, ЧЕМПИОН!

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида иштирок этган 5 нафари самарқандлик Жумладан, Жаҳонгир Воҳидов, Маржона Маликова, Афруза Ҳамдамова Самарқандда яшайди. Нарпайлик Нодирбек Абдусатторов ва қўшрабтолик Жавоҳир Синдоров ҳозирда Тошкент шаҳрида истиқомат қилади.



Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов шахмат олимпиадасида чемпион бўлган самарқандлик ўзбекистон эркаклар терма жамоаси аъзоларининг яқинларини тақдирлади. Хусусан, Жаҳонгирнинг отаси Тоир Воҳидовга, Жавоҳирнинг бобоси Комил Синдоровга ҳамда Нодирбек-

нинг отаси Фазлиддин Очилловга ташаккурнома ва қимматбаҳо совға тақдим этди.

Совғаларни вилоят ҳокимлиғи ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари Б.Раҳматуллаев ҳамда вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Рўзиев топширди.

➤ Акс-садо

Ҳар қандай жамият тараққиётининг даражасини, менимча, икки ҳолат белгилайди: тақомиллашган бошқарув тизими ва идорага раҳбарлик қиладиган шахс.

Муҳими, яхши номзод ва тақомил бошқарув тизими

(“Зарафшон” газетаси, 2022 йил 2 август 88(23.655), “Бошқарувда нима муҳим: Яхши раҳбарми ёки яхши тизим?”)

Мустақиллик йилларида республикамизда давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тарихий аъёнлар асосида шаклланди. Президент институти таъсис этилиб, унинг фаолияти йўлга қўйилди ва тақомиллашди. Умумхалқ сайловларида давлат раҳбари мuddат-мuddат сайланмоқда. Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳуқуқий мақоми аниқланиб, уларнинг ҳамжиҳат фаолият юритиши йўлга қўйилди. Бунинг натижасида халқ хўжалигининг барқарор ривож таъминланмоқда.

Шу билан бир қаторда, бошқарув идоралари раҳбарларининг тармоқ бўйича мутахассислиги, ишини ва ўз хизмат бурчини яхши билиши, фидойилиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги, малакали ҳодимларни қўллаб-қувватлаши, маънавий дунёқараши, сиёсий-мафқуравий онги даражаси, тадбиркорлиги, касби ва лавозимига содиқлиги, ташаббускорлиги, саъй-ҳаракатининг натижадорлиги ҳам муҳим.

Мақола муаллифи “Бошқарув тизимининг асосий талаби – ҳар кимнинг вазифасини аниқлаб бериш ва унинг ижроси учун ҳар кимда масъулиятни ошириш”, деган ғояни илгари суради. Бу жудаям тўғри фикр. Лекин “ҳар кимнинг вазифасини” ким ва қайси ҳужжатда аниқлаб беради?

БОШҚАРУВДА НИМА МУҲИМ: ЯХШИ РАҲБАРМИ ЁКИ ЯХШИ ТИЗИМ?

Бу саволга жавоб турлича бўлиши билан-да, сарфлашда уни беғиз қўйишнинг қўйиладиган. 5-6 йилдан бери эл, раҳбарларни вилоят Кенгаши сессиясида қўрилган назорат қилиш инспекцияси (ҲАИ) раҳбари ҳисобини эшитиш, аниқ соҳада бир вақтга эришиш, Ҳар гал вақтга бир хил – “ўй” ҳақида вақолатини аниқлаш, “ўрганиш, ҳаракатни кураш”.

Бирок, бу идора ташаббус билан қўрилган, лойиҳа сифатида ҳисобни ўзгартириш бўлганини кўрилади. Чунки сўбат назорат инспекцияси Қўрилган асосларга қараганда, яхши ўз қанчаллигини ошдани манфаатдор эмас.

Кейин, беш йилда бу идорада учта раҳбар алмашиди, уларнинг бирортаси хил соҳада қанчаллигини йўлга олди. Чунки булар соҳада қанчаллигини қўрилган, қўрилган, қўрилган эмас қўрилди. Ўй-фони, асарни улар бир кунда, битта гал билан ишдан олиш мумкин.

Бирок, бундан соҳада қанчаллигини қўрилган, қўрилган, қўрилган эмас қўрилди. Чунки булар соҳада қанчаллигини қўрилган, қўрилган, қўрилган эмас қўрилди. Чунки булар соҳада қанчаллигини қўрилган, қўрилган, қўрилган эмас қўрилди.

Мақола муаллифи “Бошқарув тизимининг асосий талаби – ҳар кимнинг вазифасини аниқлаб бериш ва унинг ижроси учун ҳар кимда масъулиятни ошириш”, деган ғояни илгари суради. Бу жудаям тўғри фикр. Лекин “ҳар кимнинг вазифасини” ким ва қайси ҳужжатда аниқлаб беради?

➤ Бизнинг суҳбат

МАҚСАД ФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТДОРЛИК БИЛАН ЧЕКЛАНМАЙДИ

Марказий банк Самарқанд вилояти бош бошқармаси бошлиғи Отабек АЗИМОВ билан суҳбат

– Отабек Исломович, юртимизда иқтисодий ислохотлар жадал тус олиб, аҳолини камбағалликдан чиқариш, тадбиркорликка ўргатиш, бандлигини таъминлаш борасида кенг қўллаш ишлар олиб борилмоқда. Табиийки, бу жараёнда молиявий ресурсларга, жумладан, банк кредитларига талаб юқори бўлади. Вилоятдаги банклар бу талабни нечоғлик англамоқда ва уларнинг иш самарадорлиги нимага кўринмоқда?



(Давоми 2-саҳифада) >>>

(Давоми 4-саҳифада) >>>

МАҚСАД ФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТ ДОРЛИК БИЛАН ЧЕКЛАНМАЙДИ

Марказий банк Самарқанд вилояти бош бошқармаси бошлиғи Отабек АЗИМОВ билан суҳбат

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

– Барчамизга маълумки, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишда молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги bosқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини бевосита маҳалла даражасида қўллаш мақсадида ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари лавозимлари жорий этилди. Уларга маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ҳодондонбай ўрганиш, тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлаш, доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олиш ҳамда етакчи тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратишни ташкил этиш бўйича тижорат банклари билан ҳамкорликда ишлаш вазифаси қўйилган.

Бу ишларни амалга ошириш мақсадида биргина оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида йил давомида "Агробанк", Халқ банки ва "Микрокредитбанк" орқали жами 900 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 20493 нафар ташаббускорга 482,9 миллиард сўм кредит берилди.

Эътиборли жиҳати, бу кредитларнинг 194,3 миллиард сўми (10316 нафар) хотин-қизларга ҳамда 184 миллиард сўми (8171 нафар) ёшларга ажратилган. Бугунги кунда алоҳида эътибор қаратилаётган яна бир соҳа – хизматлар кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан жорий йилда вилоят бўйича 607 миллиард сўм, шундан оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 8510 та лойиҳага 193,6 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

– Ўтган йил ва йил аввалида тасдиқланган дастурлар асосида 2022 йилда Самарқанд вилояти учун белгиланган кредит ва халқаро молиявий ресурслар ўз вақтида ва тўлиқ ажратилмайдими?

– Ҳа, албатта. Вилоятимиздаги тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш маблағлари ҳисобидан 2021 йилда 109 минг 121 нафар юридик ва жисмоний шахсга жами 6 триллион 755 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, жорий йилнинг 6 ойи давомида мазкур йўналишда 66 717 нафар юридик ва жимоний шахсга 3 триллион 312 миллиард сўм кредит берилди. Бу кредитларнинг 2,4 триллион сўми (ёки 66254 та лойиҳа) миллий валютадаги ва 877 миллиард сўми (ёки 463 та лойиҳа) хорижий валютадаги кредит ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятга ташрифлари давомида қабул қилинган дастурларда банк тизимига белгиланган вазифалар ижроси ўз вақтида ва сифатли таъминланиб, ушбу йўналишда топшириқлар ижроси алоҳида назоратга олинган.

Хусусан, ташрифлар давомида ўтказилган йиғилиш баёнларига кўра, 2017-2022 йиллар давомида ҳудудий дастурлар бўйича тижорат банклари томонидан 5 триллион 848 миллиард сўмлик 1351 та инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди.

Натижада банк кредитлари ҳисобига 1326 та янги лойиҳа ишга туширилди. Молиялаштирилган лойиҳаларнинг 425 таси ёки 1 триллион 475 миллиард сўми қишлоқ ҳўжалигига, 456 таси ёки 3 триллион 593 миллиард сўми sanoat йўналишига ҳамда 470 таси ёки 781 миллиард сўми хизмат кўрсатиш лойиҳаларига йўналтирилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларда sanoat салоҳиятини ошириш бўйича тасдиқланган ҳудудий дастурга асосан 2022 йилда вилоятда 1 триллион 968 миллиард сўмлик 367 та лойиҳага кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

– Нима деб ўйлайсиз, кредит билан боғлиқ муаммоларда масала имтиёзли кредитдами, банкдами ёки мижозда?

– Кредит билан боғлиқ турли бюрократик тўсиқлар аҳоли ва тадбиркорларнинг овозагарчилигига ҳамда уларнинг ортқича вақти ва маблағлари сарфланшига сабаб бўлиши табиий. Аммо бугунги шиддат билан ривожланаётган рақамли иқтисодиёт даврида ҳам афсуски, баъзи ҳолларда бундай ҳолатлар кузатилаётган. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиёти



тармоқларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсад қилинган.

Яна бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Бугунги кунда банклар томонидан мижозларга хизмат кўрсатишда ортқича вақт сарфи, овозагарчиликлар ва қозғобозликни чеклаш ҳамда инсон омилини қисқартириш мақсадида рақамли идентификациялаш, автоматлаштирилган скрининг, кредит конвейери ҳамда андеррайтерлар гуруҳи каби тизимлар ва модулли кредитлаш жорий қилинган.

Биргина оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини олайлик. Президентимизнинг 2021 йил 20 декабрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 2022 йил 1 мартдан дастурлар бўйича кредитлар тўлиқ рақамлашган ҳолда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилмоқда.

Дастурлар доирасида аризаларни кўриб чиқиш ва кредитлар ажратиш жараёни қўйидаги bosқичларда амалга оширилади:

Дастурлар доирасида кредит аризалари масофадан қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки ҳоким ёрдамчиларининг кўмаги билан Ягона электрон платформа орқали тақдим этилади. Аризалар инсон омилсиз, белгиланган мезонлар асосида скрининг баҳолаш натижаларига кўра, автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Скрининг натижасига кўра ижобий баҳоланган аризалар дастурлар доирасида кўриб чиқиш учун ҳоким ёрдамчисига келиб тушади. Ҳоким ёрдамчиси қарз олувчининг аризасига асосан, жойига қарши ҳолда амалга оширадиган фаолият тури бўйича шарт-шароити, имконияти ҳамда етарлича билим ва тажрибаси мавжудлигини ўрганиб, кредит олиш учун тавсиянома бериш ёки бермаслик юзасида фотохисобот ҳамда геолокацияни ягона электрон платформага жойлаштиради.

Ваколатли тижорат банклари ягона электрон платформа орқали келиб тушган аризаларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш, кредит маблағларини ажратиш бўйича ҳужжатларни электрон кўринишда шакллантиради ва имзолайди.

Ваколатли тижорат банки ва мижоз ўртасида электрон кредит шартномаси тузилганидан сўнг қарз олувчилар маркетплейс тизимидан ўзларига керакли маҳсулот ва хизматларни мустақил равишда танлайди. Қарз олувчи томонидан танланган маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш тўғрисидаги шартнома маркетплейс тизимида автоматик тарзда шаклланиб, қарз олувчи ва таъминотчи ўртасида электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Ўз навбатида, маҳсулот етказиб берилган ёки хизматлар кўрсатилганидан сўнг уларни топшириш-қабул қилиш мақсадида таъминотчи томонидан тизимнинг ўзидан электрон ҳисоб-фактура расмийлаштирилади. Қарз олувчи маҳсулот ва хизматларни қабул қилиб олиб, ундан қониқиш ҳосил қилганидан сўнг электрон ҳисоб-фактурани имзолайди.

Ҳисоб-фактура имзоланганлиги тўғрисида ҳоким ёрдамчисига ягона электрон платформа орқали хабар берилади ва ҳоким ёрдамчиси жойига чиқиб ўرғанади. Маҳсулотлар ҳақиқатдан етказиб берилганлиги ёки берилмаганлиги юзасидан фотохисобот шаклида электрон далолатнома тузилади.

Ваколатли тижорат банкларига тўлиқ имзоланган электрон ҳисоб-фактура ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан тасдиқланган электрон далолатнома ушбу маҳсулотлар (хизматлар) учун тўловни амалга оширишга асос бўлади.

– Қайтарилмаётган кредитлар масаласи ҳам банкларнинг энг оғир муаммоси ҳисобланади. Бу ишга ҳатто ҳокимлик ёрдам бермоқда. Сизнингча, бу қанчалик тўғри? Умуман, ҳокимлик ва банклар муносабатларидаги бугунги муаммо нимада?

– Жуда тўғри айтдингиз. Бугунги кунда муаммоли кредитлар масаласи Марказий банк ва тижорат банкларини ташвишга солаётган энг долзарб муаммолардан бири саналади.

Албатта, банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақиллиги Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддаси билан белгилаб қўйилган.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига банклар фаолиятига, шу жумладан, банкларнинг кредит портфелини ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришга, банкларнинг раҳбар ходимларини тайинлашга аралашши, шунингдек, банкнинг маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Бироқ тижорат банкларининг тўлов қобилияти, кредит ажратиш имкониятини яхшилаш ва энг муҳими, чет эл банклари ва халқаро молия институтларидан жалб қилинган ресурс маблағларининг ўз вақтида қайтарилишида маҳаллий ҳокимлик банкларимизга яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

Бу ўз навбатида, қайтарилган ресурслар ҳисобидан жисмоний ва юридик шахсларга яна янги кредитлар ажратиш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига ёки уни кенгайтиришига хизмат қилиш билан биргаликда вилоятимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ҳоким ёрдамчилари ўзига бириктирилган маҳаллаларда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб боради ҳамда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича сектор раҳбарлари ва тижорат банклари билан биргаликда тегишли чоралар кўради.

Мазкур қарорнинг 11-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари тижорат банклари билан биргаликда дастурлар бўйича ажратилган кредитларнинг уларни сўндириш графигига мувофиқ белгиланган муддатларда қайтарилишига масъуллиги;

ҳудудларда ҳар ойлик кредитлаш ҳажмлари кредитларни сўндириш графиги ижросининг бажарилмаган миқдорига мос равишда камайtirилиши қатъий белгиланган.

Кўриб турганингиздек, ажратилган кредитларни сўндириш бўйича вилоят, туман, шаҳар ва сектор кесимида режа-график ишлаб чиқилган ва бу график бажарилмаган тақдирда мос суммага кредит ажратиш имконияти бой берилди.

1 июль ҳолатида вилоятда муаммоли кредитлар миқдори 857 миллиард сўмни ташкил қилди. Эътибор беринг, биргина мисол келтирмаган, шу маблағларни биз фуқароларимизга оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун шартли равишда 30 миллион сўмдан ажратганимизда 28568 нафар жисмоний шахсга кредит берилган ва камиди шунча одамнинг даромад топиш имконияти яратилган бўларди.

Шу ўринда жисмоний ва юридик шахслардан, тадбиркорлик субъектларидан олган кредитларини ўз вақтида қайтаришларини, бошқа тадбиркорлик субъектларининг ҳам кредит

олиб, ўз имкониятларини кенгайтиришлари, вилоятимизда янги иш ўринлари яратилишига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига бевосита ва билвосита ўз ҳиссаларини қўшишларини сўрайман.

– Кейинги пайтда вилоятдаги банкларда хориддан жўнатилган пул ўтказмаларини чет эл валютасида, аниқроғи, АҚШ доллариди олишда чекловлар, узундан-узун навбатлар юзага келди. Бу вазиятни яхшилаш учун Марказий банк вилоят бош бошқармаси томонидан ҳам бирор чора кўрилди?

– Самарқанд вилоятида 2022 йилнинг январь-июнь ойлариде тижорат банклари томонидан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали жами 745,6 миллион АҚШ доллари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 214,2 миллион АҚШ доллариға ёки 1,4 бараварга ошган) аҳолиға тўлаб берилган. Мазкур тўловларнинг салмоқли қисми, яъни 417,5 миллион АҚШ доллари Россия Федерациясидан келиб тушган. Вилоятдаги тижорат банклар томонидан хориддан жўнатилган пул ўтказмаларининг аҳолиға чет эл валютасида берилишида ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан узундан-узун навбатларнинг юзага келмаслиги, аҳолиға янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда чет элдан келаятган халқаро пул ўтказмаларини тўғридан-тўғри банк пластик карталарига тушириш имконияти ҳам мавжуд.

Бош бошқарма томонидан кунлик мониторинг тизими йўлга қўйилган ва бу масала қаттиқ назорат остига олинган. Шунингдек, зарур ҳолларда халқаро пул ўтказмаларига хизмат кўрсатувчи операторлар сонини кўпайтириш бўйича тижорат банкларига қўрсатмалар берилган.

– Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видеоселекторда ипотека кредитларининг чекланган ҳажми ва субсидия ажратишда бюрократия бўйича аҳоли томонидан кўплаб эътирозлар билдирилаётгани таъкидланди. Ипотека кредитини ажратишда аҳоли борадлар бўйича тижорат банкларига қўйиладиган талабларни енгилаштириш юзасидан топшириқлар берилди. Сиз шу соҳанинг масъул киши сифатида бу борадаги бюрократияни нимада кўрасиз ва уни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш керак, деб ҳисоблайсиз?

– Инсон бахтли яшасам дейди, турмушининг фаровон бўлишини, орзу-ниятларининг ушалишини истайди, ҳеч қимдан кам бўлмасликка интилади. Зотан, бунга тўла ҳақи бор. Умр одамга бир марта берилади. Ўз уй-жойига эга бўлиш ҳар бир инсоннинг ўзини бахтли ҳис қилиши, тўқин яшashi, эзгу истакларини рўёбга чиқаришда муҳим омиллардан бири саналади.

Мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш давлат сиёсати даражасида қаралиб, кўплаб имтиёзлар жорий этилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги "Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида"ги қарорига асосан, хотин-қизларнинг кўра, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия маблағлари даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларга, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга ва мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшларга ажратилади.

Вилоятимиз аҳолиси учун 2017-2021 йиллар давомида 7560 нафар фуқарога 1 триллион 555

миллиард сўм миқдориде ипотека кредитлари ажратилган бўлса, ушбу йўналишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2905 нафар фуқарога 538,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларга, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга ва мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшларга 2021-2022 йилларда 2375 нафар фуқарога жами 574,6 миллиард сўмлик субсидия асосида ипотека кредитлари ажратилди.

Тўғри, баъзида бу жараёнда турли бюрократик ҳолатлар, қонунга зид ҳаракатлар учрайди. Лекин бундай ҳолатларда қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли органлар томонидан жазо чоралари қўлланилмоқда. Аҳоли ҳам бу борада ўз ҳақ-ҳўққини билган ҳолда уни талаб қилиши, юқориде айтганимдек, банкларга мурожаат қилишда инсон омилли бўлмаган замонавий иқтисодий технологиялардан фойдаланишни ўрганиши керак.

Давлатимиз раҳбари берган топшириқлар асосида, аҳоли даромадлари бўйича тижорат банкларига қўйиладиган талаблар яқин орада енгилаштирилиши кутилмоқда.

Умуман, банклар фаолиятининг асосини иқтисодий манфаат, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ташкил этса-де, аҳолининг иқтисодий аҳолини, турмуш шaroитини яхшилаш, бунга ҳисса қўйиш ҳам асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Банк мижозлари билангина банк бўлади.

– Тез орада янги ўқув йили бошланиб, банкларга таълим кредити юзасидан мурожаатлар кўпаяди. Ўтган йилги тажрибадан келиб чиқиб, бу йил ушбу йўналишда қандай янгиликлар, ўзгаришлар кутулади. Мижозларга қандай енгиликлар берилади ёки мажбуриятлар юкланади?

– Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва уни молиявий қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши ҳеч биримизга сир эмас. Хусусан, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тижорат банкларига ҳам вазифалар белгилаб берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги "Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, эри ёки хотини) ёки васийлари таълим кредити шартномасида биргаликда кредит олувчи сифатида қатнашиши мумкинлиги, бунда таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш олий таълим ташкилотига маблағлар ўтказилган санадан бошлаб, асосий қарзни қайтариш эса кредит олувчи томонидан олий таълим ташкилотиде таълимнинг ушбу турри бўйича ўқинишнинг расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб амалга оширилиши каби қўшимча имтиёзлар белгилаб қўйилди.

Вилоятимиз тижорат банклари томонидан 2021 йилнинг август-декабрь ойлариде 1879 нафар талаба учун қарийб 19 миллиард сўм миқдориде таълим кредити ажратилган бўлса, ушбу қўрсаткич жорий йилнинг ўтган даврида 416 нафар талабага қарийб 3 миллиард сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 июлдаги "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишлари қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган оилаларнинг хотин-қизларига ажратиладиган таълим кредитлари учун гаров ва қафиллиқдан талаб этилмаслиги каби имтиёзлар белгиланди.

Шунингдек, таълим кредитини расмийлаштириш ва унинг қайтарилишида талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари ва бошқа учинчи шахс биргаликда қарз олувчи сифатида қатнашишига рухсат этилди.

Ушбу қарор талаблари доирасидаги кредитлар "Агробанк", "Асакабанк", "Ипотека банк", "Микрокредитбанк", "Ориент Финанс банк", "Миллий банк", "Турон банк", "Ўзсаноатқурилишбанк", Халқ банки, "Қишлоққурилишбанк" ҳамда "Ҳамкорбанк" томонидан ажратилади.

– Мазмунли суҳбат учун раҳмат! **Ғолиб ҲАСАНОВ** суҳбатлашди.

МУҲИМИ, ЯХШИ НОМЗОД ВА ТАКОМИЛ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидаги қирқ йиллик фаолиятим давомида вилоятнинг кўп ташкилотлари, туман ва шаҳарлардаги корхона ҳамда муассасаларда бўлганман. Уларнинг раҳбарлар ва ходимлар билан ишлаш бўйича масъуллари мулоқотда қатнашганман. Ҳозир ҳам корхона юрисконсулти лавозимида ишлаш жараёнида хизмат зарурияти тўғрисида қатор бошқарув идоралари раҳбарлари билан алоқага киришимизга тўғри келади.

Бундай мулоқотлардан маълум бўлишича, қатор бошқарув идораларида ҳалигача ходимларнинг хизмат вазифасини аниқлаб берувчи ички меъёрий ҳужжат қабул қилинмаган. Натижада улар раҳбарларнинг кундалик топшириқларини бажариш билан оғира. Ҳатто, раҳбар ва унинг ўринбосарларнинг хизмат бурчи ҳамда иш учун масъулияти (жавобгарлиги) тизимли равишда йўлга қўйилмаган.

Ақсарият корхона, муассаса ва ташкилотларда "Ички меҳнат тартиби қоидалари" ва "Ходимларнинг вазифалар тақсими" ишлаб чиқилмаган. Мазкур меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг талабларига биноан ҳар бир бошқарув органи, корхона, муассаса ва ташкилотда бўлиши шарт.

Бошқарув идорасининг ҳуқуқий мақоми акс этган низом ёки уставни ҳам тополмайси. Топилиб қолса, бундан ўттиз йил олдин тасдиқланиб, рўйхатга олинган ҳужжатга кўзингиз тушади. Ваҳоланки, ўтган даврда ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётда қанча ўзгаришлар бўлиб, қанча

дан-қанча ҳуқуқий ҳолатлар юзага келди?! Биргина уяли телефонни олайлик. Мамлакатимизда уяли телефондан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳануз қабул қилинмаган. Баъзи бошқарув идораларига борсангиз, ўта муҳим ва тезкор ҳолда ечимини кутаётган масала юзасидан масъул ходимга мурожаат қилишдан олдин унинг қабулига кириб, уяли телефонда турмуш ўртоғи, фарзанди ёки дўсти билан сўзлашуви туғрисида ярим соатлаб кутиб ўтирасиз.

Мен ҳалигача бирон бир идорада уяли телефондан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги буйруқ ёки бошқа меъёрий ҳужжат қабул қилинганлигининг гувоҳи бўлмадим йўқ. Тўғри, прокуратура, ички ишлар, суд органлари ва ҳокимият биноларига кирувчи фуқаролар уяли телефонларини қоровулхона ёки қўриқлаш ташкилоти ходимига топшириб қиради. Лекин ушбу ташкилотлар ичкарида хизмат қилаётган ходимлар фуқаро мурожаатини тинглаш ўрнига уяли телефонда (баъзан иккита уяли телефонда) узоқ муддат оила аъзоси билан гаплашиб, кайфиятингизни бузади.

Ходимларнинг фуқаролар мурожаатига бунга ўхшаш беварқ муносабати юзага келишининг олдини олиш учун масъул – раҳбар. Агар раҳбар ўзининг гардианига юклатилган вазифани масъулият билан ҳис этса, унинг қалбида ишга набатан фидойилик, ватанпарварлик, халқпарварлик фазилатлари тўлақонли шаклланган бўлса, юқоридагидек салбий ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўради, шунда меҳнатда натижадорлик кўзга ташланади, ишда тартиб ўрнатилади, унум бўлади. Бу эса ўз навбатида, мам-

лакат иқтисодиётида, жамиятнинг маънавий ҳаётида тезда кўзга ташланади.

Бошқарув тизими такомил бўлиб, унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш бевосита шу бўғин раҳбари малакаси, тарбияси ва дунёқарошига боғлиқ. Бунинг учун эса бошқарув идораси (унинг ўринбосарлари) ни танлаш, тарбиялаш ва тайинлаш муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, сўнгги пайтда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда жиддий хатога йўл қўйилмоқда. Вилоят электр тармоқлари корхонасига банкир шахс раҳбар қилиб қўйилса, бошқа бир банк бошқарувчиси вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланса, истеъфога чиққан ҳарбий хизматчи таълим муассасасига директорлик қилса ёки бозорга раҳбарлик қилса, соҳа (иши) орқага кетмайдими, ҳеч бўлмаганда бузилиб, тўхтаб қолган поезд локомотивига ўхшаб қолмайдими?!

Мақола муаллифи худудларнинг секторларга бўлиниши тизими ҳақида куйинчақлик билан фикр юритиб, "... бу тизимнинг турмушимизга сингиб кетиши мушкулга ўхшайди", деган хулосасига қўшиламан. Жойларда фуқароларнинг улар тўртинчи сектор штабига мурожаат қилганида "Бу масала биринчи сектор ваколатига қиради, у ерга боринг", деган важдарни эшитиб, қайтиб келганлиги, биринчи сектор штабига қадам қуйиши билан "Сизнинг маҳаллангиз тўртинчи сектор ҳудудига қиради, ўз секторингизга боринг", деган тавсиялар олганлигидан нолиётганлиги қулқоқча қалинади.

Халқимиз инсонпарвар, ҳуқуқий демократик жамият қу-

ришни олий мақсад қилиб қўйган. Ушбу мақсадга эришиш учун Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бундай жамиятда ҳар бир бошқарув тизими қонун ҳужжатларида ваколатига берилган вазифалар билан шугулланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Солиқ идоралари давлат бюджетини шакллантириш билан, ички ишлар органлари ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси ва тезкор жиноят-қидирув фаолияти билан, прокуратура қонунларнинг бир хилда бажарилишини назорат қилиш билан шугулланса, нур устига нур бўлади.

Аста-секин давлат бошқаруви-нинг барча жабҳаларида бевосита раҳбарнинг масъулиятини ошириш, уларнинг қайсидир сектор раҳбарига суяниб қолиш "касали"-дан холи қилиб, аниқ соҳа учун жавобгарлигини ошириш лозим. Мақолада муаллифининг яна бир фикри менга маъқул келди, яъни "... тармоқлар тизими пухта бўлмаса, яхши раҳбар ҳам зўриқади. Зўриқиш эса қўшиб ёзиш ва ўзини кўрсатишга, оқлашга интилишга йўл очади".

Ушбу хулосага қўшимча қилиб, "Зўриқиш коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг дарвозасини ланг очади, жамиятда адолатсизликни юзага келтиради", демоқчиман.

Юқорида баён этилган мулоҳазаларга яқун қилиб, "Бошқарувда нима муҳим?" деган саволга "Раҳбарликка яхши номзод ва такомил бошқарув тизими муҳим", дея жавоб бермоқчиман.

Йўлдош СУЮНОВ, меҳнат фахрийси, ҳуқуқшунос.

Мулоҳаза учун мавзу

"Сўз кўрки мақол, юз кўрки соқол" - бу турмаъно ҳикматни ҳамма яхши билади. Аммо мақол ҳам, соқол ҳам ўрнида бўлгандагина гурунгни, қиёфани безайди. Ўринсиз мақол даврани совитади, ёшга ярашмаган соқол бачкана кўринади. Атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, "пуконидан ел ўтмаган" айрим йигитчаларнинг соқол-мўйлов қўйгани нимаси? Янгича урфми ёки ўзини "замонавий" кўрсатмоқчи бўлган, тарбияси тоб ташлаган кимсаларга тақлиди?

Урфми ёки тақлид?

Ҳар миллатнинг ўзига хос, ёзилган-ёзилмаган, қимлигидан қатъи назар, ҳамма риоя этиши шарт бўлган қонунлари бор. Муомала маданияти, ахлоқ-одоб, кийиниш, ўйда, тўйда, кўча-кўйда, хуллас, жамоат орасида ўзини туттиш таомиллари шулар жумласидандир.

... Клиникада тиббий кўриқдан ўтиш учун навбат кутиб ўтирибмиз. Ёши йигирмадан нари-бери бир йигитча кириб келди. На салом, на алик бор. Башарасини қора соқол-мўйлов қоплаган, бўйнида тилла занжир, бармоқларида узук, соч елкасига тушади, қора кўзойнакни пешонасига кўтариб қўйган, энгиди кўкрагида ваҳшиёна аралаш жанг лавҳаси акс этган майка, тиззага етар-етмас "шортик". Навбат кутиб ўтирган ёшу кексалар унга ажабланиб қарашди: "Бу нусха ким бўлди?". Хуллас,

ажнабийнинг кўриниши ҳам, кийиниши, ўзини туттиши ҳам ўта хунук эди.

Афсуски, кейинги пайтларда кўча-кўйда, бозор-ўчарда жамоат жойларида бундай "маданият намоянадалари"га ҳар кунни кўзимиз тушяпти. Бу нима, тўқликка шўхликми ёки миллий урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиз, ўзбекна маданиятимизга хурматсизликми?

Бундай ҳолатларда ўша калтафаҳм йигитчаларни айблаш нотўғри. Фарзанд тарбияси тамал тоши оилада қўйилади, сўнгра боғча, мактаб, жамият фаолиятида такомиллашади. Шундай экан, аввало ота-оналар ўз фарзандларининг яхши тарбия топиши учун улар онгига ахлоқ-одоб, кийиниш, ўзини туттиш маданиятини синдириб, назорат қилиб бориши лозим.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Журналистлар уюшмага аъзо бўлди

Матбуот уйда "Президентимизнинг "ОАВни қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси қандай?" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда АОКА вилоят бўлими вакиллари, журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

- Бугун журналистика соҳаси ривожини йўлида сезиларли ишлар қилиняпти, - деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раиси Олимжон Усаров. - Энг яхши материаллар муаллифларига катта-катта мукофот пуллари, қалам ҳақи берамиз, деб ният қилгандик, мана, Президентимиз ушбу қарор билан орзуларимизни амалга оширди. 2023 йилда "Олтин қалам" миллий мукофоти голиби автомобил мианади. Ҳар йили 50 нафар журналистни ривожланган хорижий давлатларга тажриба алмашиш учун юборамиз. Журналистлар ўртасида рақобатни кучайтириш мақсадида топ 100 талик эълон қилинади.



Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан олтишдан ортиқ фаол, тажрибали журналистларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Яқин йилларда журналистлар уюшмага аъзо қилинмаётган эди, - дейди булунғурлик журналист Раббим Ҳотамов. - Кўп йиллик меҳнатимизни қадрлагани учун бошим кўкка етди. Ҳатто фахрий журналистларга ҳам аъзолик гувоҳномалари берилди. Бу рағбат биздек ижод аҳлини янада шижоат

билан меҳнат қилишга ундайди. Бундан ташқари, Тошкент вилояти ОАВ вакиллари, хусусан, "Тошкент ҳақиқати" газетаси тахририяти ходимлари иштирокида "Босма нашрларни бошқаришда муҳаррирнинг ўрни" мавзусида тадбир ҳам бўлиб ўтди. Унда бугунги кун муҳаррирлари фаолияти, босма нашрлар олдига турган муаммолар таҳлил қилинди. Дуч келинаётган камчиликларга ечим изланди.

Тадбир сўнггида тошкентлик меҳмонлар "Зарфшон", "Овози Самарқанд", "Самарқандский вестник" газеталарида бўлиб, самарқандлик журналистлар фаолияти билан яқиндан танишди, ўзаро тажриба алмашдилар. Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Logo and contact information for Zarafshon newspaper, including 'MATBUOT UYI' and 'AMARKANDSKIY VESTNIK'.

Publication details for 'MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi' and 'Bosh muharrir: Farmon TOSHEV', including address and contact numbers.

Subscription and contact information for 'Gazeta «Zarafshon»', including address and phone numbers.

Editorial and administrative contact information for 'Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV' and 'Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV'.

ISSN 201667X and QR code information for the newspaper.



Инсон дунёга жуссаси жуда кичик ва заиф, ҳеч бир нарсани билмайдиган ҳолда келади. Аста-секин улғайиб, жисми қувватга тўлади, ҳис-туйғулари ўсиб боради, ақл ва билими ошиб, камолга етади. Аллоҳ таоло инсон ҳаётининг шу босқичига ишора қилиб, Қуръони каримда бундай марҳамат қилган:

"Аллоҳ сизни оналарингиз қорнидан ҳеч нарса билмайдиган ҳолингизда чиқарди. У сизга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди. Шоядқи, шўкр қилсангиз" ("Наҳл" сураси, 78-оят).

Аммо инсонга ёшлик даврида берилган жисм ва ақлдаги қимлик умрбод эмас. Вақт ўтиши билан у яна заифлик ҳолатига қайтади. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилган:

"Аллоҳ сизни заифликда яратган, сўнгра заифликдан кейин қувватли қилган, сўнгра қувватдан кейин яна заифлик ва қариллик оғир қилган зотдир. У ҳоҳлаганини яратур. У ўта илми ва ўта қудратлидир" ("Рум" сураси, 54-оят).

Инсон 15 ёшдан 40 ёшгача ёшлик даврини бошидан ўтказида. Ва, мана шу давр инсон учун умрининг энг гўзал давлари ҳисобланади. Чунки бу вақт мобайнида киши куч-ғайратга тўлган, онгу шуури камолга етган, ҳис-туйғулари шаклланган бўлади. Ёшлик инсон умрининг энг афзал босқичи эканлигига Аллоҳ таоло жаннат аҳлининг барчасини ёш қилиб қўйиши ва улар ҳеч қачон қаримасликлари ҳам далил бўла олади.

Шундай экан, ёшликни Аллоҳ таолонинг жуда буюк неъматидир, десак муболаға бўлмайди. Шу билан бирга, бу давр ўта масъулиятли ошлар бўлиб, уни қадрламаганларга охиратда жазо ҳам борлигини ҳам унутмаслик керак. Муоз ибн Жабал розийаллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайгамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: "Қиёмат кунини банданинг қадами тўрт нарсасдан сўралмагунча ўрнидан жилмайди: умрини қандай ўтказгани, ёшлигини нималарга сарфлагани, мол-мулкни қаредан олиб, қаерга сарфлагани ва илмига қандай амал қилгани ҳақида сўралади" (Имом Табароний ривояти).

Бундан кўриниб турибдики, инсон, айниқса, ёшлар вақтларини сарфлашда Аллоҳ таоло олдидаги масъулиятини ҳис қилмоғи керак. Ҳар бир вақтнинг ҳам умрининг қадрига етиб, унинг ҳар лаҳзасини дини, дунёси ва охирати учун манфаатли бўлган ишларга - или ўрганиб, амал қилиш, уни бошқаларга ўргатиш, халолдан ризқ талаб қилишга сарфламоғи лозим.

Ёшлиқда қилинган ишлар пухта, мустаҳкам бўлади, ибодатларнинг савоби ҳам ортиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳамма замонларда мамлакатнинг келажақдаги мустаҳкамлиги, унинг куч-қудрати, тараққиёти ўша мамлакат ёшларининг салоҳияти билан боғлиқ.

Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоху анҳумодан ривоят қилинади: "Набий соллаллоху алайҳи васаллам: "Беш нарсасдан олдин беш нарсани ғанимат бил: кексалигинг олдиндан ёшлигингни, касаллигинг олдиндан саломатлигингни, камбағаллигинг олдиндан бойлигингни, машғуллигинг олдиндан бўшлигингни, ўлимниг олдиндан ҳаётлигингни", дедилар".

Пайгамбаримиз Қиёмат кунини инсондан ҳаёти ҳақида иккита савол сўралиши ҳақида хабар бердилар: биринчиси, ҳаёти ҳақида бошидан охиригача; иккинчиси, ёшлиги ҳақида. Агарда инсон умрининг ҳаммаси ҳақида сўралса, шунинг ичиди ёшлиги ҳақида ҳам сўралади, лекин умрининг бу даврининг ҳисоб-китоби алоҳида бўлади.

Одатда, кекса одамда ўлим хавотири бўлади. Улардаги истаклар ёшларникидек бўлмайди. Аммо ёшларда истаклар кучли, орзу-ҳаваслар кўп, куч-қувват етарли, юмушлари бисёр бўлиши баробарида, улар-

ни йўлдан урувчи нарсалар ҳам кўп бўлади. Улар ўзларидидаги гуноҳ, ҳою ҳавас истагини енгиб, илмга, яхшилик ва ибодатга уринганлари, намозларини ўз вақтида эдо этишга бел боғлаганлари учун Қиёмат кунини Аллоҳнинг Арши соясидан жой оладилар.

Ҳадиси шарифда Аршининг соясиди бўладиган етти тоифа кишилар жумласида: "Аллоҳнинг тоат-ибодатидан улғайган йигит (Аршининг соясидан бошқа ҳеч қандай соя бўлмайдиган кунда соялантирилади)" бўлиши башорат қилинган (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: "Аллоҳга бандаларнинг энг суюклиси ёш ва хушсурат бўлиб, чиройин ва ёшлигини Аллоҳнинг ибодатига сарфлаган йигитдир. У билан Раҳмон Ўз фарришталарига: "Мана бу (йигит) Менин ҳақиқий бандамдир", деб мактанади (Ибн Шаҳин "Ат-тарғиб фи фазоилил аъмо"да Ибн Масъуд розийаллоху анҳу ривоят қилган ривоят).

Ислоом тарихига назар солсак, Пайгамбаримиз Макка аҳлининг ёши улуг ва кўпни кўрган кишиларига исломни тақлиф қилди, аммо улар рад этди. Шунда Макка ёшлари соллаллоху алайҳи васалламга эргашди ва кўмакчи бўлди. Абу Бакр Сиддиқ розийаллоху анҳу исломни қабул қилганида 38 ёш, Умар ва Абдураҳмон ибн Авф 30 ёш, Усмон 24 ёш, Абу Убайда ибн Жарроҳ 27, Толха 21 ёш, Саъд ибн Умайр 20, Саъд ибн Абу Ваққос 19 ёшда эди.

Абдураҳмон ибн Авф розийаллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: "Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Усмон жаннатда, Али жаннатда, Талха жаннатда, Зубайр жаннатда, Абдураҳмон ибн Авф жаннатда, Саъд жаннатда, Саъйд жаннатда, Абу Убайда ибн Жарроҳ жаннатда бўлади" (Имом Термизий ривояти).

Бу муборак зотлар исломга садоқатлари, Аллоҳ таолога ва Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга кексиз муҳаббатлари боис шундай олий мақомларга эришдилар. Аллоҳ таоло ваҳий орқали Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга бу зотлар ҳаётлик пайтларидаёқ жаннат хушхабарини берган эдилар.

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Фарзандларимизнинг илми, ахлоқли бўлиб камолга етишлари, ҳунар эгалари бўлишлари учун мамлакатимизда барча шароит яратилган. Уларнинг келажаги учун уйда ота-оналар, ўқув юрларида эса муаллим ва устозлар астойдил жон куйдиришлари керак. Ўғил-қизларини илми-маърифатга ошно қилишдан ҳеч ким четда турмаслиги лозим. Жаҳидчи алло-маларимиздан бирлари: "Фарзанд тарбиясига лоқайд қараган миллат инқирозга маҳкумдир", деб бежизга айтмаган. Катталар ўз насихатларидан ёшларни маҳрум қилиб қўймасликлар лозим. Уларнинг ёшлар тарбиясида аҳамияти бениҳоя катта. Ўз навбатида, ёшлар ҳам уларнинг насихатларини ихлос билан тинглаб, ўзларига керакли хулосалар чиқаришлари мақсадга мувофиқдир.

Бугун Ўзбекистон ёшлари билими, ақл-заковати, интилишлари билан бутун дунёни ҳайратга солмоқда. Нимани эксанг, шуни ўрасан, дейди доно халқимиз. Ёшлар тарбиясига эътибор келажагимизга бўлган эътибор эканлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз ва бу йўлда барчамиз бир-дай ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ, вилоят бош имом-хатиби.